

7

**Хизмат кўрсатишга (ишларни бажаришга) оид  
ШАРТНОМА № 28/1  
ЛОТ № 165305**

Жомбой тумани

«28» октябрь 2022 йил

“SUVLOYINA” DUK, кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи Ж.Бердимуратов номидан, бир томондан ва «Мирза-Пай» ирригация тизими бошқармаси кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, ўзининг Низоми асосида иш юритувчи директор Қ.Мирзаев номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Мазкур шартнома бўйича “Бажарувчи” “Буюртмачи”га Жомбой туман Мирза-ПАЙ ИТБ ташкилотига карашли Пк191+00 Пк 202+00 Пк 208+00 Пк215+00 Пк220+00 объектларида сув ўтказиш шаршараларни таъмирлаш ва қайта тиклашга бетон ишларини амалга оширишда лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун (кейинги ўринларда - “Ишлар” деб юритилади) ишларини бажариш, “Буюртмачи” ушбу “Ишлар”ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. “Ишлар”нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

№	Ишнинг номи	Бошланғич нархи	Шартноманинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	Жомбой туман Мирза-ПАЙ ИТБ ташкилотига карашли Пк191+00 Пк 202+00 Пк 208+00 Пк215+00 Пк220+00 объектларида сув ўтказиш шаршараларни таъмирлаш ва қайта тиклашга бетон ишларини амалга оширишда лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун	40 000 000	36 000 000
	Жами (ҚҚС сиз)	-----	-----
	Жами (ҚҚС билан)	40 000 000	36 000 000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси **36 000 000 (Ўттиз олти миллион) сўмни ташкил қилади. (ҚҚС билан)**

**II. ТОМОНЛАРНИНГ  
ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. “Бажарувчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. “Бажарувчи” дан “Ишлар” “Буюртмачи” нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. “Бажарувчи”дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар» ни нуқсон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган “Ишлар” кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган “Ишлар” кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган “Ишлар” шунга ўхшаш “Ишлар” билан алмаштирилишини;

- “Ишлар”нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар “Буюртмачи” ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини “Бажарувчи”дан талаб қилиш.

2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

2.2.1 Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган “Ишлар”ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.3. «Бажарувчи» куйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган “Ишлар” учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомасига мувофиқ кўрсатилган “Ишлар”ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» куйидагиларга мажбур:

2.4.1. “Буюртмачи”га “Ишлар”ни мазкур шартномага мувофиқ ёки “Буюртмачи” томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.2. Агар “Ишлар”ни бажариш жараёнида “Бажарувчи” шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, “Буюртмачи”нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

### III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **36 000 000 (Ўттиз олти миллион) сўмни ташиқил қилади.** Бажариладиган "Ишлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.
- 3.2. Кўрсатилган "Ишлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.
- 3.3. "Буюртмачи" мазкур контрактни Жомбой тумани бўйича Ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 20 банк иш куни ичида конунчиликка мувофиқ контракт умумий суммасидан 30 % миқдорида (шартнома суммасининг 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 20 банк иш куни ичида қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.

### IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Ишлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.5. Назарда тутилган ҳажмдан ортикча бир номда "Ишлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Ишлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Ишлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Ишлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.6. Бажарилган "Ишлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган "Ишлар" ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. Шартномада назарда тутилган "Ишлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.
- 4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Бажарилаётган "Ишлар" сифати, ҳажми "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" бажарилаётган "Ишлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.
- 5.2. Агар бажарилган "Ишлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Ишлар" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.
- 5.3. "Ишлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Ишлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Ишлар" бажрилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.
- 5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган "Ишлар" қийматининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Ишлар" бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.
- 5.5. Бажарилган "Ишлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак.
- 5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари

бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарк «Ишлар» бажарувчи томонидан қопланади.

#### VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини қўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита Самарқанд вилоят хўжалик судига муурожаат қилишга ҳақлидир.

#### VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома Жомбой тумани бўйича Ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олингандан сўнг қонуний кучга киради ва 2022 йил «28» октябрдан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

#### VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

8.2 Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Жомбой тумани бўйича Ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олингандан сўнг қонуний кучга киради.

#### IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

#### X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

##### «Бажарувчи»

«SUVLOYIHA» DKK

Манзили Самарқанд шаҳри М.Улугбек кучаси 62 уй  
тел\факс : \_\_\_\_\_

х\р: 20210000505332016001

Банк номи: САМАРҚАНД Ш., "ТУРОНБАНК"  
АТ БАНКИНИНГ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

ИНН: 207332028

МФО: 00282

ОКОНХ: 71120

##### «Буюртмачи»

«Мирза-Пай» ирригация тизими бошқармаси

Манзили: Жомбой туман Ш.Бурхонов кучаси 1уй

тел\факс +99855-701-31-18

ш\хв 100021860182097042402170001

бюджетдан маблағ олувчининг СТИРи 204691122

ОКОНХ 22100

Ғазначилик номи: Самарқанд вилояти бўйича

Ғазначилик бошқармаси

Ягона Ғазна х/в 23402000300100001010

Банк номи Марказий Банк Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси. ХККМ

МФО 00014

Молия Вазирлиги Ғазначилик СТИР и 201122919

Раҳбар: \_\_\_\_\_

Ж.Бердимуратов

(имзо)

М.У.

Раҳбар: \_\_\_\_\_

Қ.Мирзаев

(имзо)

М.У.

Жомбой туман Мирза-ПАЙ ИТБ ташкилотига қарашли Пк191+00 Пк 202+00 Пк 208+00 Пк215+00 Пк220+00 объектларида сув ўтказиш шаршараларни таъмирлаш ва қайта тиклашга бетон ишларини амалга оширишда лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун

Жомбой туман «Мирза-Пой» ирригация тизими бошқармаси ва «SUVLOYINA» ДУК ўртасида 2022-йил 28-октябрдаги 28 сонли шартномага илова

Топшириш муддати - 10 кун

№ п/п	Наименование работ	Ед. изм.	по проектным данным	стоимость за единицу, сум	Всего, сум
1	Жомбой туман Мирза-ПАЙ ИТБ ташкилотига қарашли Пк191+00 Пк 202+00 Пк 208+00 Пк215+00 Пк220+00 объектларида сув ўтказиш шаршараларини таъмирлаш ва қайта тиклашга бетон ишларини амалга оширишда лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун	хизмат	1,00	36000000,0	36 000 000
СТОИМОСТЬ С НДС					36 000 000

«Мирза-Пой» ирригация тизими бошқармаси раҳбари:



*[Signature]* К.Мирзаев

«SUVLOYINA» ДУК директори:



*[Signature]* Ж.Бердимуратов

Жомбой туман Мирза-ПАЙ ИТБ ташкилотига карашли Пк191+00 Пк 202+00 Пк 208+00 Пк215+00 Пк220+00 объектларида сув ўтказиш шаршараларни таъмирлаш ва қайта тиклашга бетон ишларини амалга оширишда лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш учун

Топшириш муддати - 10 кун

№ п.п.	Наименование работ	Ед. изм.	по проектным данным	стоимость на единицу, сум	Всего, сум
1	2	3	4	6	7
1	Жомбой туман Мирза-ПАЙ ИТБ ташкилотига карашли Пк191+00 Пк 202+00 Пк 208+00 Пк215+00 Пк220+00 объектларида сув ўтказиш шаршараларни таъмирлаш ва қайта тиклашга бетон ишларини амалга оширишда лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш учун	хизмат	1,00	36000000,0	36 000 000
СТОИМОСТЬ С НДС					36 000 000

“SUVLOYIHA” DUK direktori:



Ж.Бердимуратов



“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
 «Мирза-Пай» ирригация тизими  
 бошқармаси раҳбари  
 Қ.Мирзаев  
 “27” октябр 2022 йил

«Мирза-Пой» ирригация тизими бошқармаси доимий ишловчи танлов  
 (тендер) Комиссияси йўғилиши

**БАЁНИ**

2022 йил “27” октябр  
 Раислик қилувчи:

Комиссия раиси: Ш.Усманов

Жомбой шаҳри

Иштирок этдилар:

Ж.Рахимов, А.Мирзаев, С.Суяров, А.Махмудов, З.Джамалов,

**КУНТАРТИБИ:**

«Мирза-Пой» ирригация тизими бошқармасида № 165305 лот Жомбой туман Мирза-ПАЙ ИТБ ташкилотига қарашли Пк191+00 Пк 202+00 Пк 208+00 Пк215+00 Пк220+00 объектларида сув ўтказиш шаршараларни таъмирлаш ва қайта тиклашга бетон ишларини амалга оширишда лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун бўйича ўтказилган танлов баёни натижалари тугрисида.

Сўзга чиқанлар:

Ш.Усманов, З.Джамалов, А.Мирзаев

Йўғилишда қайд этилдики, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22-апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги №684-сонли Қонунига асосан Etehder.uzex.uz сайтига 2022 йил 18-октябрда жойлаштирилган № 165305 рақамли лот бўйича электрон танлов утказилди. Утказилган электрон савдолар бўйича “SUVLOYINA” DUK голиб деб топилди.

Ушбу лотлар бўйича танлов комиссиясига танловда иштирок этган тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади.

Комиссия раиси:		Ш.Усманов
Комиссия котиби		Ж.Рахимов
Комиссия аъзоси		А.Мирзаев
Комиссия аъзоси		С.Суяров
Комиссия аъзоси		А.Махмудов
Комиссия аъзоси		З.Джамалов

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 165305 на приобретение Ўнг Қиргоқ каналидаги гидротехник иншоатларни таъмирлаш қуруш ишларини проект**

Способ проведения электронный

Дата 25.10.2022

Время рассмотрения 25.10.2022 10:56

Закупочная комиссия Мирза-Пай ирригация тизими бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	USMANOV SHARAB MAMATOVICH	Бошлиқ ўринбосари	Мирза Пай ИТБ
<b>Секретарь комиссии</b>	RAXIMOV JAHONGIR RASULOVICH	Tamnotchi	ZITXB huzuridagi Mirza pay irrigasiya tizimlari boshqarmasi
<b>Член комиссии</b>	MAXMUDOV ASLJIDIN ABDUVAITOVICH	Бўлим бошлиғи	Мирза Пай ИТБ
<b>Член комиссии</b>	DIJAMALOV ZAKIRJON YUSUPOVICH	Бош ҳисобчи	Мирза Пай ИТБ
<b>Член комиссии</b>	MIRZAYEV AKMAL AKBAROVICH	Шўба бошлиғи	Мирза Пай ИТБ
<b>Член комиссии</b>	SUYAROV SIROJIDDIN KAMOLOVICH	Сув ресурсларидан фойдаланиш ва диспетчерлик хизмати булим бошлиғи	Мирза-Пай ИТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 25.10.2022 года № лота 165305.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 10

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по разработке проектно-сметных работ</b>
<b>Подробное описание</b>	Жомбой т Мирза-ПАЙ ИТБ ташкилотига карашли Пк191+00 Пк 202+00 Пк 208+00 Пк215+00 Пк220+00 обектларидасув ўтказиш шаршараларни таъмирлаш ва қайта тиклашга бетон ишларини амалга оширишда проектно-смета килиш учун
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	40 000 000.00
Стартовая сумма	40 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Сув хужалиги тизимида ишлаган булиши ва бажарилган ишларни топшириш далолатномасини пдф нухасини жойлаштириш

Тип: Текстовое значение

Описание: Сув хужалиги тизимида ишлаган булиши ва бажарилган ишларни топшириш далолатномасини пдф нусхасини жойлаштириш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
GIDRAVLIKA UNIVERSALMCHJ	10	40000000	5	Экспертная		
SUVLOYIHA DUK SAM VIL FIL	10	Маълумот	10	Экспертная		

Критерий №2 Молиявий холати бўйича маълумот Лойихачи томонидан объектни курилиш даврида 1 хафтада 3 кундан кам булмаган кунларда муаллифлик назоратини олиб бориш

Тип: Текстовое значение

Описание: Сўнги 3 йиллик айланма маблағлари туғрисида ва банкдан қолдиқ маблағлар туғрисида маълумотнома Муалифлик назорати бўйича 1 хафтада ками 3 кун муалифлик назоратини олиб бориш буйича кафолат хати олдинги объектларда қилинган муалифлик назорати журналларидан нусхалар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
GIDRAVLIKA UNIVERSALMCHJ	10	40000000	5	Экспертная		
SUVLOYIHA DUK SAM VIL FIL	10	Маълумот	10	Экспертная		

Критерий №3 Танловда қатнашчиси объектнинг умумий суммаасидан 5% дан ортиқ тушириш мумкин эмас

Тип: Текстовое значение

Описание: Агарда иштирокчи объектнинг умумий суммаасидан 5% дан ортиқ туширса тендрдан четлаштирилади (кафолат хати тақдим қилинади ПДФ фарматда)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
GIDRAVLIKA UNIVERSALMCHJ	10	40000000	5	Экспертная		
SUVLOYIHA DUK SAM VIL FIL	10	Маълумот	10	Экспертная		

Критерий №4 Банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорлигининг мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Тижорат банкдан маълумотнома тақдим қилинади

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
GIDRAVLIKA UNIVERSALMCHJ	10	40000000	5	Экспертная		
SUVLOYIHA DUK SAM VIL FIL	10	Маълумот	10	Экспертная		



Критерий №5 Мутахассис ишчи ходимлар тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Паспорт, диплом, меҳнат дафтарчаси, буйруқдан кўчирма (PDF) форматда иш стажи тасдиқлангани

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
GIDRAVLIKA UNIVERSALMCHJ	10	40000000	5	Экспертная		
SUVLOYIHA DUK SAM VIL FIL	10	Маълумот	10	Экспертная		

Критерий №6 Ушбу соҳада ишлаган иш тажрибаси бўйича маълумот Давлат солиқ кумитасидан қарздорлиги бўйича маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Ушбу соҳа бўйича талаб этиладиган лицензия, гувоҳнома, сунги 3 йилда шунга ухшаш объектларда бажарган ишлари реестри тасдиқланган ПДФ форматда Маълумотнома тақдим этилади

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
GIDRAVLIKA UNIVERSALMCHJ	10	40000000	5	Экспертная		
SUVLOYIHA DUK SAM VIL FIL	10	Маълумот	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
GIDRAVLIKA UNIVERSALMCHJ	40 000 000.00	40 000 000.00 UZS	40 000 000.00	00.00	40 000 000.00	24.10.2022 12:07:43	27
SUVLOYIHA DUK SAM VIL FIL	40 000 000.00	36 000 000.00 UZS	36 000 000.00	00.00	36 000 000.00	24.10.2022 19:15:48	30

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
GIDRAVLIKA UNIVERSALMCHJ	35	27	62
SUVLOYIHA DUK SAM VIL FIL	70	30	100

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 165305 от 25.10.2022 года на приобретение Ўнр Қиргоқ каналдаги гидротехник иншоатларни таъмирлаш куруш ишларини проект определила победителем:

SUVLOYIHA DUK SAM VIL FIL  
207332028

и резервный исполнитель: GIDRAVLIKA UNIVERSALMCHJ (302685752)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	USMANOV SHARAB MAMATOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MAXMUDOV ASLIDIN ABDUVAITOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	DJAMALOV ZAKIRJON YUSUPOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MIRZAYEV AKMAL AKBAROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SUYAROV SIROJIDDIN KAMOLOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга  
олинганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида

ГУВОҲНОМА

УДОСТОВЕРЕНИЕ

о регистрации в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан  
и присвоении идентификационного номера налогоплательщику

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ - ЮРИДИК ШАХС  
НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИК - ЮРИДИЧЕСКОЕ ЛИЦО

Тўлиқ номи:  
Полное наименование:

"SUVLOYINA" UNITAR KORXONA

Қисқача номи:  
Краткое наименование:

"SUVLOYINA" UK

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинди ва унга куйидаги  
солиқ тўловчи идентификация рақами (СТИР) берилди:

Зарегистрирован в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан  
и ему присвоен идентификационный номер налогоплательщика (ИНН):

207332028

СТИР берилган сана: 11.01.2021  
Дата присвоения ИНН:

Рўйхатга олинган ДСИ:  
Зарегистрирован в ГНИ:

Самарканд шаҳар

Ушбу Гувоҳнома Давлат солиқ қўмитасининг интернетдаги расмий сайти  
орқали шакллантирилган ва чоп этилган

Данное Удостоверение сформировано и распечатано через официальный сайт  
Государственного налогового комитета

Гувоҳнома чоп этилган сана:  
Дата распечатки удостоверения:

29.10.2022 10:34:01